



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Вазиятни
ярата
олмаймиз, унга
қараб
иш тутамиз,
холос

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 7-yanvar, payshanba, 2 (23.438)-son



8 январь –
Прокуратура органлари
ходимлари куни

Тизим “Халқ прокуратураси” бўлади

Вилоят прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этишда ўтган йили асосий эътибор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари, шунингдек, учрашувлар ва ҳудудларга амалга оширган ташифлариди белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, тизимли камчиликлар ҳамда аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилди.

Хусусан, қонунлар ва Президент қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўрилган чоралар, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг ўрганилиши натижасида 7,1 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва 2 мингдан ортиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.



Прокурорларнинг қарори ва тақдимномаси асосида 2,3 минг нафар шахслар интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилди, ноқонуний қарорларга 1,6 мингга протест келтирилди ҳамда судларга 27,4 миллиард сўмлик 869 та даъво аризалари киритилди.

Ўтказилган текширув ва жиноятларни тергов қилиш жараёнида 21 миллиард сўмлик зарарларнинг ундирилиши ҳамда маҳаллий бюджетга тушиши таъминланди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини, камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, прокурорлар раҳбарлигидаги секторларга бириктирилган 290 та маҳаллада истиқомат қиладиган 1 миллион 58 минг аҳоли, 230 минг 694 та оиладан 12 минг 909 таси (58 минг 167 нафар оила аъзолари) “эҳтиёжманд оила” сифатида рўйхатга олинган. Уларнинг моддий таъминоти, яшаш шароитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш мақсадида 6,2 миллиард сўмлик озиқ-овқат, 381,1 миллион сўм нақд пул, 33,9 миллион сўмлик дори-дармон тарқатилган.

Бундан ташқари, мингга яқин оилага 639,4 миллион сўмлик чорва моллари, 652 та оилага 775,5 миллион сўмлик бошқа кўмаклар берилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан 2-секторлар тақдим этган материалларнинг ҳаққонийлиги ўрганилган ҳолда 2 минг 12 оила камбағаллик тоифасидан чиқарилган.

2-саҳифа >>>



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.
Шундай тадбирларнинг бирида Марказий ҳарбий округ Самарқанд гарнизони маънавият ва маърифат ҳамда кичик мутахассислари тайёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари Иккинчи жаҳон уруши даври фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олишти.

Ҳарбий ватанпарварлик соатлари

Ватан олдида фарзандлик бурчини адо этиш, деганда дастлаб ҳарбий хизматни тушунамиз. Шу боис юрт ҳимояси, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда фидойилик кўрсатаётган ҳарбийлар хизмати ибрат қилиб кўрсатилади. Қалбиди ватанпарварлик ҳисси ўшурётган ёшларимиз эса доим уларнинг суҳбатига ошиқади.

Каттакўрғон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабиди бундай учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти катта, дейди мактаб директори Замира Эсанова. – Айниқса, ёш авлод қалбиди Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш уларни пухта билим олиш ва келгусида юрт тараққиёти йўлида садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Маҳаллий Кенгашларда ҳам ҳудудий ННТлар вакили бўлиши лозим

Давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида таъкидланганидек, амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш талаб этилади.

Республика ва маҳаллий даражада қабул қилинаётган ҳужжатлар, ишлаб чиқарилаётган дастурлар сидқиқилдан ва тўлақонли амалга оширилса, жамиятдаги мавжуд муаммолар масалаларни ҳал этиш ва аҳолининг турмуш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади. Ижрони ташкил қилиш жараёнида самарали назоратнинг бўлиши эса муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг таъкидлашича, амалдаги назорат тизими кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижрони ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмапти. Шундан келиб чиқиб, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар

фаол жалб этилади.

Кучли фуқаролик жамияти шаклланган давлатларда жамоатчилик назорати механизми самарали ишлайди. Мамлакатимизда ҳам 2019 йилда ташкил этилган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига Давлат дастурлари ижросининг мониторингини жамоатчилик назорати тартибиди олиб бориш вазифаси юклатилган. Бугунги кунгача бўлган фаолияти давомида Ҳаракат томонидан етарлича тажриба тўпланди. Жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини амалиётга жорий этиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Мурожаатномада мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб

«Муносабат»



чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жалб этилиши, шунингдек, парламент кўйи палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этилиши таклиф қилинди. Бу албатта, ҳозирги шароитда жуда ўринли ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини янада иштиғек билан ишлашга ундовчи муҳим қадам бўлди.

Шу билан биргаликда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили бўлиши ҳамда ушбу вакил маҳаллий Кенгашлар сессияларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қарорларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича таклифлар бериш мақсадига ҳам эга бўлиши янаям мақсадга мувофиқ бўлади.

Зафар КАРИМОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати вилоят бўлинимаси
раҳбари.

«Луқма»

Ижтимоий тармоқлар «портланган», таҳририятлар, мурожаат қилиш мумкин бўлган барча идоралар раҳбарларига, айниқса, коммунал хўжалик мутасаддиларига айтиш мумкин бўлган фақат шу, газ, электр энергияси, умуман, иситиш манбалари камайгани юзасидан ёрдам сўраётганлар сони кескин ортди. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг уйини қандай иситишни билмай, нажот сўраб мурожаат қилмаган ташкилоти қолмади, ҳисоб.

Совуқни «ЖИМЖИТЛИК» билан енгамизми?



Хусусан, газетамизнинг телеграм ботида ҳам ҳар кунини ўнлаб юртдошларимиз гоҳ аччиқ, гоҳ жабр оҳангига газ, электр энергияси билан боғлиқ муаммоларни айтмоқда.

Аммо буни қарангки, ижтимоий юки унчалик катта бўлмаган ҳабарларга ҳам дарҳол эътибор қаратаётган мутасаддилар бу масалада жим туришни маъқул кўрмоқда, ўз фикрини билдирмаётган. Гўёки, қишга тайёргарлик бўйича аллақачон ҳисоботлар бериб бўлинган, кимга қанча газ берилиши-ю, кўмир ва электр энергияси тақсими аллақачон ҳал этилган. Мутасаддилар “Энди қишнинг ўртасида менга тегма”, “Яна озроқ сабр қилингиз, қишдан чиқиб оласиз”, деяётгандай...

Кўпинча коммунал соҳада аҳолининг қарздорлиги ҳақида кўп гапирилади. Аммо қиш кунлари совуқдан қийнаётган аҳолига бундай муносабатда бўлиш, ўз навбатида, шундай масъулиятсизликнинг кучайишига сабаб бўлмаганича?

Тан олиш керак, бундан икки-уч йил аввал газ, электр энергияси масаласи ботқоқликка ботиб кетган. Ушбу соҳада муаммоси бўлмаган хонадонни топишининг ўзи муаммо эди. Аммо аҳоли уч йил аввалги ҳолатни эмас, бир йил олдинги, бу масала бироз яхшилانган пайтни эслайди. Зеро, аҳоли ҳашамат эмас, уйини иситиш ҳақида сўрамоқда.

Хуллас, аҳолининг бонг уришига ҳозирча жимжитлик билан муносабат билдирмаётган. Қажратон ўз қаҳрини кўрсатаётган пайтада бундай ҳолат қарздорнинг суд олдида жавоб бергани каби тегишли идораларнинг аҳолига шундай ҳисобдорлиги лозимлигини билдиради.

Гулрўх МЎМИНОВА.

Нарх-наво департамент назоратида

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси ва туман-шаҳар бўлиmlари томонидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз таъминлаш ҳамда ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Бозорларда тегишли маҳсулотлар захираси ўрганилиб, ҳисоботларга нисбатан кам жамғарилганлиги учун 41 та бозор ва улар ҳузуридидаги 38 та тайёрлов харид корхоналари раҳбарлари ёзма равишда огоҳлантирилди.

Ўрнатилган назорат тадбирлари натижасида деҳқон бозорлари қошида ташкил этилган ар-

зонлаштирилган маҳсулотлар сотишга мўлжалланган 38 та харид савдо корхонаси томонидан аҳолига 2 миллиард 351 миллион сўмлик маҳсулотлар арзон нархларда сотилди.

2020 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳридаги ҳамда туманлар марказий деҳқон бозорларига 9 тур-

даги асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тасдиқланган режа-график ижроси юзасидан кунлик назорат ўрнатилди.

Самарқанд, Жомбой ва Тойлок туманларида фаолият юритувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан “Сиеб деҳқон бозори”, “Темирийўл деҳқон бозори” ва “Дамарик деҳқон бозори”га мол гўшти, товуқ гўшти, тухум, балиқ ва ўсимлик ёғи арзонлаштирилган нархларда олиб келиниб сотилди.

Аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда 73 та “Янги йил” (46 та мўқобил ва 27 та кўчма) ярмаркалари ташкил этилиб, 41 турдаги 514 тонна маҳсулот сотувга чиқарилди.

Бошқармаимиз ташаббуси билан “Даладан дастурхонга” тамойили асосида чорва моллари етиштириш ва сўйиш фаолияти билан шуғулланувчи жамият Самарқанд шаҳар аҳолисига сифатли ва арзон гўшт маҳсулотлари етказиб беришга жалб қилинди. Шу орқали Сиеб ва Темирийўл деҳқон бозорларидаги муқим нуқталарда ҳамда бозорлардан узоқ масофада жойлашган аҳоли гавжум ҳудудларга 10 та махсус жиҳозланган кўчма дўконлар орқали бир кунда ўртача 2,5-3 тонна миқдорда 50-53 минг сўмдан гўшт етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Деҳқон бозорларида нархлар барқарорлигини сақлаш ва маҳсулотларни аҳолига

узлуксиз етказиб бериш мақсадида бошқа ҳудудлардан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари интервенция қилинди. Яъни, 298,9 тонна картошка, 198,1 тонна пиёз, 207,1 тонна сабзи, 196,9 тонна ўсимлик ёғи, 283,4 тонна шакар, 91,2 тонна гўшт, 34,3 тонна ун ва 135,5 тонна бошқа маҳсулотлар интервенцияси амалга оширилиб, аҳолига етказиб берилган.

Бугунги кунда 147 та “Яшил дўкон” ва “Кичик экобозор” ташкил қилиш борасида 143 та ташаббускор тадбиркор аниқланган. Уларнинг 105 нафарига ҳокимликлар қарорлари билан ер ажратиб берилди, 59 тасида енгил конструкцияли савдо нуқталарини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Енгил конструкцияли савдо нуқталарининг 15 таси фаолият бошлади.

Умуман, деҳқон бозорлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан ҳудудий бўлимлар томонидан 13 та тақдимнома, 76 та огоҳлантирув киритилди. Мазкур назорат тадбирлари натижасида 21 та бозор мутасаддиларига интизомий жазо чоралари қўлланилган ва 1 та ҳолатда жиноят иши кўзгатирилган.

М.РЎЗМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридидаги
иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти вилоят
бошқармаси бошлиғи.

Халқ депутатлари

Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING 2019 ЙИЛ 16 ДЕКАБРДАГИ "САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ 2020 ЙИЛГИ МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 419/68-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қонунига асосан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг VI чақириқ XX сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Самарқанд вилоятининг 2020 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида"ги 419/68-сонли қарори "Зарафшон" газетаси 2019 йил 19 декабрь 159 (23, 278-сон) 3-иловасига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.
- Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритсин.
- Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
- Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), "Овози Самарқанд" газетаси (Б.Раҳмонов) мазкур қарорни ўрнатилган тартибда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Уроқов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси Э.ТУРДИМОВ

2020 йил 29 декабрь №138/20

(Қарор матни ва иловаси билан вилоят ҳокимлигининг веб-сайти-www.samarqand.uz ва газетамизнинг www.zarnews.uz сайты орқали танишишингиз мумкин).

2018 йилда Паст Дарғом туманида фаолият бошлаган "Мароқанд кабел инвест" масъулияти чекланган жамиятида ҳозирда кабел, кам чўғламли LED чироқлар ва цемент ишлаб чиқарилмоқда. Янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётган корхонада 250 та иш ўрни яратилган.

LED чироқлар

ишлаб чиқараётган корхонада энди телевизор ва кондиционер тайёрланади

LED чироқлар юз фоиз маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланмоқда, - дейди "Мароқанд кабел инвест" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Раббим Кулиев. - Ички бозорда ўз ўрни-мизни топанмиш. Эндликда экспорт борасида ишлар олиб борилмоқда. Келгуси йилдан корхонамизда маиший техникалар ҳам ишлаб чиқаришни режалаштирганмиш. Телевизор ва кондиционер ишлаб чиқариш линиясини йўлга қўйиш бўйича хорижлик ҳамкорлар билан ишлар олиб борилмоқда.

Алишер ИСРОИЛОВ.



ТИЗИМ "ХАЛҚ ПРОКУРАТУРАСИ" бўлади

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада).

Прокурорларнинг амалий ёрдами билан ўтказилган 22 та меҳнат ярмаркаларида 597 нафар, шундан 252 нафар аёллар иш билан таъминланиб, 1152 кишига ҳуқуқий маслаҳат берилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилган назорат тадбирлари давомида 400 дан ортик назорат ҳужжатлари кўлланилиб, ноқонуний буйруқ ва қарорларга 396 та протестлар келтирилди. Ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини кўзлаб судларга 31 та даъво аризалари киритилди, 283 нафар фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланиб, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят иши кўзга тутилди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг 552 таси яраштирилди, шунингдек, шаръий никоҳ асосида яшаётган 885 та оиланинг никоҳлари расмийлаштирилиб, 15 та эрта никоҳнинг олди олинди.

Биринчи даражада тўловларнинг вақтида тўлиқ тўла-наши бўйича ўтказилган текширишларда 21 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 6 та жиноят иши кўзга тутилди. Шунингдек, судларга 24 та даъво аризалари киритилиб, 65 миллион сўмлик иш ҳақлари ундирилган ҳамда 59 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланиб, жиноят оқибатида етказилган 272,7 миллион сўмлик зарар ундирилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш борасида ўтказилган тадбирлар давомида ноқонуний қарорларга 22 та протест келтирилди. 16 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, 3 та жиноят иши кўзга тутилди.

Тадбиркорлар муаммоларини бартараф қилиш юзасидан 13 тасига 458 гектар ер майдони, 249 тасига кредит, 3 тасига бино ажратиш, 281 тасига коммуникация тармоғига

улашиш, 56 тасига лицензия ва рухсатнома расмийлаштириш каби амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, 519 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 1512 та янги иш ўринлари яратилди, 259 та тўхтаб қолган тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди.

Вилоят бўйича маҳаллий ва чет эллик инвесторларнинг 135 тасига амалий ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, 91 тасига кредит ажратиш, 60 тасининг кредитни тўлаш муддатини узайтириш, 12 тасига чет элдан мутахассис олиб келиш, 11 тасининг коммуникация тармоқларига улашиш, 38 тасига лицензия ва рухсатномалар расмийлаштирилиши таъминланди.

Прокурорлар томонидан бу борада ўрнатилган назорат тадбирлари натижасига кўра, 4 нафар мансабдор шахслар (туман ҳокимларининг ўринбосарлари) интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Экспортёр корхона раҳбарлари билан ўтказилган учрашувларда 100 та муаммо аниқланиб, шундан, 91 тасига 541,7 миллиард сўм кредит, 14 тасига 16,7 гектар ер майдони ажратиш, 6 тасига солиқ ва боғжона, 3 тасига коммуникация, 2 тасига кадастр, 5 тасига рухсатнома олиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 22 та мувофиқлаштирувчи кенгашлири ўтказилди, суриштирув ва тергов органларининг 665 та қарорлари бекор қилинди, зарур процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳақида 1989 та ёзма кўрсатмалар берилди.

Жиноятчилик профилактикаси борасида 4 минг 385 та ишсиз, ночор, низоми мавжуд оилалар, кўни-қўшилар, 1484 та ёлғиз аёллар, 8 минг 751 та ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар каби 71 минг 975 нафар шахснинг рўйхати шакллантирилиб, олиб борилган тадбирлар давомида уларнинг 1584 та муаммоси ҳал қилинди, 1156 та муқаддам судланганлар иш билан таъминланди.

Вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармасининг

қўшма фармойиши асосида туманларда 272 та микроҳудудлар ташкил этилиб, уларга бириктирилган прокуратура, Департамент ва ИИБ ходимларига профилактик тадбирларни сифатли ўтказиш вазифаси юклатилди.

Хавфсиз шаҳар концепциясини жорий қилиш мақсадида жами 1 минг 52 нафар ИИБ ходимлари, 164 нафар жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар 3 сменада хизмат ўташи белгиланган. Амалга оширилган ишлар натижасида қотиллик (24,2 фоиз), шунингдек, вояга етмаганлар (3 фоиз), гуруҳлар (1,4 фоиз) ва талабалар (16,7 фоиз) томонидан содир этилган жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

Шу даврда бевосита прокуратура органлари томонидан 1328 та жиноят ишлари юзасидан тергов ўтказилди. Келиб тушган 1965 та жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар асосида 201 та жиноят ишлари кўзга тутилди, 1840 таси бўйича терговга қадр текширувлар ўтказилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 7 минг 824 нафар, шундан шахсан прокурорлар томонидан 3 минг 454 нафар ва ўринбосарлар томонидан 2 минг 670 нафар фуқаро қабул қилинган.

Жисмоний шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш жараёнида ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонун талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида 46 та протест, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 13 та тақдимнома киритилган. Шунингдек, 64 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, 13 та жиноят ишлари кўзга тутилди. Судларга 54 та даъво ариза киритилиб, 39 миллион сўмлик етказилган моддий зарарлар айбдор шахслардан ундирилган.

Умуман, вилоят прокуратурасига 19 минг 650 та муносабат келиб тушган. Шундан 11 минг 484 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал қилинган.

Раҳмон МАШАРИПОВ,
вилоят прокурори.

Ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, ўзгаришлар ташаббускори

Аёлларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва уларга ўз салоҳиятларини тўла намойён этиш имкониятларини бериш нафақат гендер тенгликка, балки ривожланишнинг кенг босқичларига эришиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги конвенция қабул қилинган.

Конвенция хотин-қизлар ва эркекларнинг амалдаги тенглиги, яъни гендер тенгликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқ-равшан белгиланган.

Конвенция аъзоси сифатида мамлакатимизда ҳам хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўйга чиқариши учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, гендер тенглик бўйича институционал асослар кенгайтирилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлис Сенатига Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси фаолият олиб бормоқда. Кўмига аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситилишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни ўйинлаштириш билан шуғулланади.

Бу борада умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, шунингдек, аёллар ҳуқуқий маданиятини ошириш йўналишида қатор ишлар амалга оширилди. Мисол учун, 2019 йил сентябрь ойида "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Барча вазирилик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлири ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантла-



ри ажратилди. Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенати, Қасаба уюшмалари федерацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирият Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилди. Бунда ҳар бир туман ва шаҳар учун алоҳида "Йўл харитаси" тасдиқланиб, оиласида ногиронлиги бўлган

аёлларга маиший техникалар берилиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг уй-жой шартлари яхшиланяпти.

Ҳар бир ҳудудда "Аёллар тадбиркорлиги марказлари" ташкил этилиб, тегишли мақсадли жамғармалар ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ҳамда қасб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи бўлган ишсиз хотин-қизлар билан манзилли ишлаш мақсадида "Аёллар дафтари" юритилляпти.

Умуман, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кучайтириш, шу орқали оилани мустаҳкамлаш, юқори интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни вояга етказиш жамият барқарорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади.

Муҳаррам ҲАМИДОВА,
воёга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши бўйича вилоят прокурорининг ёрдамчиси.

Давлатимизда Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида "Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш"га оид тўққизта вазифа ишлаб чиқилган.

Унга мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражасида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироки ҳамда етакчилиги учун тенг имконият таъминла-ниши зарур.

Шу мақсадда, бир қатор қонун ҳужжатлари ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглик, аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, мақомини кучайтириш тўғрисидаги Президентнинг фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Жумладан, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологик ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асосдир.

Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўл-



лаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази каби янги тузилмалар ташкил топди.

2030 йилга қадар бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш учун "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" тамойилини ҳисобга олган ҳолда, ҳар хил камситиш шаклларига мойил бўлган хотин-қизларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш долзарб масала.

Гендер тенглик борасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш прокуратура органлари томонидан одиллик ва адолат билан олиб борилмоқда. Бош прокуратурада ҳам гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилган.

Н.СОЙИПОВА,
Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси.

Фуқарога ажратилган ер майдонида қайниси иморат қурмоқда

Вазирият Маҳкамасининг 2009 йил 12 ноябрдаги "Самарқанд шаҳрида 2009-2010 йилларда Регистон майдонига тулаш ҳудудда янги хиёбон қуриш ва марказий кўчаларни реконструкция қилиш ҳамда ободонлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида"ги йиғилиш баёнига асосан Самарқанд шаҳар Панжикент кўчаси, 68-уйда жойлашган уй-жойимиз 2011 йилда бузилди. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги эса бузилган уйимиз учун кўп қаватли уйдан кварта-ра, компенсация пули ёки шаҳарнинг марказий қисмидан уй-жой қуриш учун ер участкаси ҳам ажратиб бермади.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги қарорига асосан уй-жой қуриш учун Окдарё туманининг Р.Ҳамроев номи турар жой мақсатининг Қордарёга яқин бўлган, ичимлик суви, электр таъминоти, табиий газ йўқ қисмидан 600 квадрат метр ер участкаси ажратилган эди. Биз уни рад этдик. Шундан сўнг Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2013 йил 22 майдаги қа-

рори билан Чўпонота массивидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 квадрат метр ер майдони ажратилди. Лекин орадан 7 йил вақт ўтса-да, тегишли мутасаддилар ерни ўлчаб бермаётганлиги туфайли бизга бу массивнинг қаеридан 4 сотих ер берилганлигини аниқлай олмаямиз.

Оиламизда 9 киши истиқомат қилади, уйимиз бузилган. 2011 йилдан буён оиламиз билан ижарада яшаймиз. Аксига олиб суд ижара уйни бўшатиш тўғрисида қарор чиқарди. Ерни ўлчаб, аниқлаб беришса, биз ҳам ўз уйимизга эга бўлардик.

Шу мазмунда Самарқанд шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилсак, Чўпонота мақсатидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 (тўрт юз) квадрат метр ер участкаси ажратилганлигини айтишди.

Чўпонота массивидан ер ажратилганлигини биз ҳам биламиз. Лекин қачон шу ерни ўлчаб беришди?

Мавлуда ҲАМИДОВА,
Самарқанд шаҳри.

Тахририятимизга йўлланган ушбу мурожаатни аниқлик киритиш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлигига юбордик. Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Олимовнинг имзоси билан келган жавоб хатида шундай дейилади:

Ҳақиқатан ҳам Самарқанд шаҳар Панжикент кўчаси 68-манзилда жойлашган фуқаро Ҳамидова Мавлуда Самадованин уй-жойи бузилишга тушган ва ушбу уй-жой фуқаро Абдуазиз Хусейнов ва марҳум турмуш ўртоғи Абдуғани Мансуровга тегишли бўлган.

Тегишли комиссиянинг 2011 йил 20 июлдаги далолатномасида юқорида номлари қайд этилган фуқароларга тегишли бўлган ушбу манзилдаги уй-жойнинг бир қисmini бузиш учун фуқаро Абдуазиз Хусейнов ва марҳум Абдуғани Мансуров оиласининг розилик аризаси ва тақдим этган ҳужжатлари кўриб чиқилди. Унда Самарқанд шаҳар Спитамен кўчаси 266-манзилдаги беш қаватли уй-жойнинг

бешинчи қаватидан 4 (тўрт) хонали ва Окдарё туманидаги Р.Ҳамроев номи турар жой мақсатидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 600 (олти юз) квадрат метр ер участкаси ажратилиши ҳамда уйдаги яроқли қурилиш материалларини ўзларида қолдирилиши белгиланган.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги "Хонадон ажратиш тўғрисида"ги қарори билан фуқаро Абдуазиз Хусейнов ва марҳум Абдуғани Мансуровнинг оиласига бузилишга тушган уй-жой учун товон тариқасида Спитамен кўчаси 266-манзилдаги беш қаватли уй-жойнинг бешинчи қаватидан 4 (тўрт) хонали хонадон бегараз мулк ҳуқуқи билан ажратилган.

Шунингдек, шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 1173-Қ-сонли қарорига асосан Р.Ҳамроев турар жой мақсатидан ажратилган ер майдони кейинчалик шаҳар ҳокимининг 2013 йил 22 майдаги 749-Қ-сонли қарори билан ўзгартириш киритилиб, фуқаро Абдуазиз Хусей-

«Тахририятга жавоб берадилар»

нов (марҳум Абдуғани Мансуров) ва унинг оила аъзоларига бузилишга тушган уй-жой биноси учун товон тариқасида Чўпонота массивидан 400 квадрат метр ер майдони ажратилган.

Фуқаро М.Ҳамидованин мунтазам равишда қилган мурожаатларига асосан Чўпонота мақсатидан ажратилган ер майдони шаҳар ҳокимлиги мутахассислари ва шаҳар адлия бўлими мутахассислари билан биргаликда жойига чиқиб ажратилган ер майдони кўрсатилган. Марҳум Абдуғани Мансуров оиласига ажратилган ер майдонида ҳозирда М.Ҳамидованин қайниси Абдуазиз Хусейнов томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масала бўйича фуқаро М.Ҳамидовага ажратилган ер майдонига эгаллик қилиши учун Абдуазиз Хусейнов билан келишиб олиши лозимлиги, агар масала мўзокаралар йўли билан ҳал этилмас, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилган.



Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Сўнги кунларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб кўп қаватли уйларга бевосита боғлиқ бўлган автомобил турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектга киритилгани муҳокама қилинмоқда.

Қандай автомобиль турар жойлари солиққа тортилади?



Таъкидлаш жоизки, бу каби объект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз миқдордаги солиқ ставкасида солиққа тортилади. Ушбу меъёр амалиётда кўп қаватли уйларнинг ер ости қаватида жойлашган машина турар жойларига кадастр қиймати белгиланган ҳолда кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши сабабли аниқлаштирувчи хусусиятга эга. Масалан, автомобил турар жой кадастр қиймати 12 миллион сўм миқдорига белгиланган. Ушбу кадастр қийматига нисбатан 0,23 фоиз миқдорда солиқ ставкаси қўлланилади. Натижада бир машина турар жойи учун жисмоний шахслардан олинадиган йиллик мол-мулк солиғи суммаси 27,6 минг сўмни ташкил қилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, бугунги кунда жисмоний шахсларга тегишли бўлган гаражлар ер солиғи ва мол-мулк солиғига тортилмақда. Мазкур норма турар жойи-ҳовлисида ўзининг машинаси учун жойни ободонлаштиришга қарор қилган жисмоний шахсларга, юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш хизмати (пуллик автотураргоҳ)дан фойдаланувчи жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди. Ушбу ҳолатда юридик шахс солиқ тўловчи саналади.

Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати.

Иштихон тумани 3-7 мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг илк таълимга қамраб олинishi вилоят миқёсида энг юқори кўрсаткичли ҳудуд ҳисобланади. Вилоят мактабгача таълим бошқармаси маълумотиға кўра, 2020 йилда энг кўп давлат-хусусий шерикликдаги боғчалар Иштихонда ташкил этилган. Ҳўш, бунга қандай эришилди?

Вилоят мактабгача таълим бошқармаси томонидан журналист ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-тур ушбу тажрибани ўрганишга бағишланди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари тумандаги давлат-хусусий шерикликдаги, оилавий ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларида бўлиб, у ерда болаларнинг таълим-тарбия олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Кейинги тўрт йил давомида вилоятда 141 та давлат, 73 та хусусий, 102 та давлат-хусусий шериклик ва 1541 та оилавий боғча ташкил этилиши натижасида фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 20,9 фоиздан 63 фоизга кўтарилди, - дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Шухрат Раҳмонов. - Албатта, бу тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, ота-оналарнинг фарзанди билим олишига бўлган эътибори натижасидир. Бежиз Иштихон туманини танламадик. Боси 2020 йилда вилоятимизда очилган 54 та давлат-хусусий шерикликдаги боғчанинг 11 таси мазкур туманда ташкил этилди.

ХАЛҚБОДДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОРЛИ ТАДБИРКОРЛАР КЎП

Ушбу маҳаллада 577 нафар 3-7 ёшли болалар бўлиб, уларнинг қарийб барчаси илк таълимга қамраб олинган. Маҳаллада битта 17-давлат мактабгача таълим ташкилоти бор. Ташаббускор тадбиркорлар томонидан эса иккита 150 ўринли

давлат-хусусий шерикликдаги ҳамда 3 та оилавий мактабгача таълим ташкилотлари очилган.

Боғчамиз 150 ўринли бўлиб, 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит асосида бунёд этилди, - дейди "Доно Солиҳа" НМТТ му-дираси Умида Бўтаева. - Бугунги кунда 90 нафар боланинг сифатли таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Шу билан бирга рус тили, инглиз тили ва бадий гимнастика тўғрисида фаолият йўлга қўйилган. Ота-оналарга қулайлик яратиш учун болаларни олиб келиш ва олиб бориш учун автобус ташкил этганмиз. Тўғрақ ва автобус харажатлари ҳам 200 минг сўм бадал пули ҳисобида.



Икки қаватли бино, болалар майдончаси, ошхона ва ётоқхона, яратилган шароитларни кўриб бугун боғчаларимиз қиёфаси бутунлай ўзгарганига гувоҳ бўласиз.

МАҚСАД ФОЙДА ОЛИШ ЭМАС болаларга таълим-тарбия бериш

ОЛИС ҲУДУДЛАРДА БАДАЛ ПУЛИНИ ОШИРИШ ЎЗИНИ ОҚЛАМАЙДИ, АММО...

Туманинг Қорақўйли массивидаги "Асалча" номли оилавий боғчага кирсангиз, болаларнинг мароқли машғулотлар билан бандлигини кўрасиз. Улар ақлий ривожлантирувчи ўйинларга қизиқиб кетганидан сизга эътибор ҳам қаратмайди. Тарбиячи уларнинг ёнида маслаҳатчи, холос.

Оилавий боғчаларимиз ҳар томонлама ота-оналарга қулай, - дейди тадбиркор Шоира Толибоева. - Биринчидан, нархи давлат боғчалари билан бир хил. Битта оиладан бир болага 83 минг, икки нафар бўлса 67 минг сўмдан. Иккинчидан, маҳалла-



ги "Ботирбек" номли боғча ташкил этганман. У ернинг ҳам бадал пули аҳоли чўнтағига мос.

НЕГА ДАВЛАТ БОҒЧАЛАРИГА НАВБАТ КЎП?

Туман марказидан 7 километр узоқликдаги 9-давлат мактабгача таълим ташкилоти 2019 йилда давлат инвестиция дастури асосида 2 миллиард 700 миллион сўм эвазига капитал таъмирланган. Бугун мазкур боғчада 220 нафар бола 8 та асосий гуруҳда, 120 нафар бола қисқа муддатли гуруҳда тарбияланади.

Бугун давлат боғчаларимиз ҳам замонавий кўринишга эга бўлмоқда, - дейди туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи Гўлчўра Саидмуродова. - 2017 йилда 22 давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар сони 30

тага етди. Лекин Давлат боғчаларига 400 нафардан ортиқ болаларимиз наватбатда турибди. Уларни ҳам ўз вақтида илк таълимга қамраб олиш мақсадида қисқа муддатли гуруҳларга, 6 ёшли болаларни мажбурий таълимга жалб қилганмиз. Ҳозирда туманимиздаги 62 маҳалладан 15 тасида боғча мавжуд эмас. Оилавий боғча ташкил этиш ҳисобига қамровни оширишга ҳаракат қилияймиз. Шу билан бирга, олий маълумотли тарбиячиларга ҳам эътиёжimiz бор. Замонавий шарт-шароитларга эга боғчаларда мос равишда таълим-тарбия сифати ҳам замонавий ёндашув ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА,
«Зарафшон» мухбири.

2021 йилда 45 та объект ишга тушади

Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш имконини берди.

Мазкур фармонга асосан давлат кўчмас мулк объектларини "ноль" харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилиниб, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар асосида "1 сўм"га тенг бошланғич нархда оммавий савдоларга чиқариш тартиби белгиланди.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимиздаги бўш турган 73 та давлат мулки объектига 79,3 миллиард сўм ва 240,7 миллион доллар миқдорда инвестиция киритиш, шунингдек, 3592 нафар янги иш ўрни яратилиши юзасидан мониторинг олиб

борилмоқда. Мазкур объектлар бўйича 2020 йилда 44,1 миллиард сўм ва 14,1 миллион доллар миқдорда инвестиция киритилди, 479 та янги иш ўрни яратилди. 79,4 миллиард сўмлик инвестиция киритилиши ҳисобига 30 та объект тўлиқ ишга тушди ва 1104 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу объектларда йиллик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми 4,8 миллиард сўмни ташкил этади.

Биргина, тиббий хизмат соҳасида «URGUT MARUFHOJI» масъулияти чекланган жамияти томонидан 26,5 миллиард сўм миқдорда сар-

моя киритилиши эвазига 196 та янги иш ўрни яратилди.

2021 йилда 66,8 миллиард сўм инвестиция киритилади ҳамда 40 дан зиёд объект ишга туширилиб, 700 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Масалан, «DAROMAD FAYZ OMAD» масъулияти чекланган жамияти 12 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритилиши эвазига тиббий хизматлар маркази ташкил этади. «MEGA MEBEL TRADE» масъулияти чекланган жамияти 10 миллиард сўм сармоя ҳисобидан барча турдаги мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: 1) МЧ "Гуллоб агрохотелсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 24,7 га. (шундан: 22,1 га. боғзор, 0,5 га. узумзор, 0,8 га. ариқ ва зовурлар, 1,2 га. йўллар ва 0,1 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиғи юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 13 январга қадар қабул қилинади. 2) МЧ "Гулстон агрохотелсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 1,5 га. (шундан: 1,5 га. мелиоратив ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиғи юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 15 январга қадар қабул қилинади.

Манзилмииз: Самарқанд тумани Гуллоб шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туманидаги «SOJIDA SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 302711015) ўз устав фондини 4 811 116 143 (тўрт миллиард саккиз юз ўн бир миллион бир юз ўн олти минг бир юз қирқ уч) сўмдан 536 116 143 (беш юз ўттиз олти миллион бир юз ўн олти минг бир юз қирқ уч) сўмга камайитирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Оқдарё тумани Чоржўй қишлоғи.

Самарқанд шаҳридаги «ASTERISK SAMARKAND» масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 302195469) ўз устав фондини 318 310 828 (уч юз ўн саккиз миллион уч юз ўн минг саккиз юз йигирма саккиз) сўмдан 1 343 650 000 (бир миллиард уч юз қирқ уч миллион олти юз эллиқ минг) сўмга кўпайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Катта Ўзбек тракти кўчаси, 6-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна

нотариал идорасида марҳум Камарова Мухарамга (2010 йил 10 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-ўй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Назаров Шавкат Насридиновичга (2020 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносида.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод нотариал идорасида марҳум Гафуров Худойшукрга (2006 йил 6 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Закиров Равшанга (2011 йил 1 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-ўй.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасида марҳум Мухтаров Шероэжон Эркинжон ўғлига (2020 йил 26 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк

учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Аббасов Гулямага (2004 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Аббасов Улугбек Гулямовичга (2009 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Алмасов Уракга (2014 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Хасанов Хабибуллага (2004 йил 28 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

МУҲИДДИНОВ ДОМЛА

Халқимиз илми кишиларни, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларини “домла” деб эъозлайди. Аммо ҳамма ўқитувчилар, олимлар номига ушбу муборак нисбатни қўллашмайди. Шу сўзни қўшиб айтганлари билан ҳам айримларга бу ном ярашиқсиз бўлиб қолади ва тезда унутилиб кетади.

Юртимиз адабиётшунослари, навоийшунос олимлар, улар қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, Самарқанд давлат университети профессори Муслиҳиддин Муҳиддинов ҳақида гап кетганда ёки у кишига муносабат қилишганда албатта, шу каломдан фойдаланишади – “Муслиҳиддин домла”, “Муҳиддинов домла” ёки “Эшон бобо” деб ҳурмат кўрсатишади. Ва албатта, бундай калом айтувчи тилига, эшитгучи ва муносабат қилинувчи киши қўлоғига хуш ёқибгина қолмай, ярашади ҳам.

Бу аввало, домланинг улус сулола вакили бўлгани ва ота-боболари ишони давом эттириб, илм йўлида хизмат қилиш, шу орқали одамлар қалбига зиё улаштириш ҳаётининг мазмуни деб билишида бўлса, ажабмас. Қолаверса, олимларга, чинакам устозларга хос бағрикенглиги, шоғирдпарварлиги ва ҳушқаломлиги, комилликка интилиши ҳам Муҳиддинов домланинг шарофи ва мартабасини доим баланд қилиб келмоқда.

хурмат-эҳтиром кўрсатилган ва бу иш бугун ҳам давом этмоқда.

Муслиҳиддин домла ана шу табаррук сулоланинг бугунги муносиб давомчиси, Эшони Қутбиддинхоннинг фарзанди. Авлоддан-авлодга ўтиб келган илмсеварлик, маърифатга ташналик Муслиҳиддин Муҳиддинов шахсида ҳам мужассам. Бу инсон ҳам бутун ҳаётини, борлигини илмга бағишлаган. Ўзбек умумт адабиёти, хусусан, Навоий меросини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган ва бугун бу борада илмий изланишда бўлган ёшларга устозлик қилиб келмоқда.

Муҳиддинов домла меҳнат фаолиятини солиқ Самарқанд давлат педагогика институтида бошлаб, 1992 йилгача шу ерда ўқитувчи, доцент, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректор вазифаларини бажарди. Институт Самарқанд давлат университети билан бирлаштирилган, фаолиятини ушбу қутлуғ даргоҳда давом эттириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида домла университетнинг қайноқ фаолиятида фаол иштирок этди. Турли вазифаларда самарали меҳнат қилиб, ўзини кўрсатди. Жумладан, “Самарқанд университети” газетаси муҳаррири, университет қошидаги номзодлик диссертациялари ҳимоя этиладиган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, илмий кенгаш раиси, 1998 йилдан 2011 йилга қадар маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор бўлди. Айни пайтда ҳам ўзбек адабиёти тарихи кафедраси профессори, университет ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси. Ёши саксонга қараб бораётган бўлса-да, ҳамон илм йўлида изланишдан, ёшларга устозлик қилиш, кадрдон университети шаъни-шавкатини ошириш учун меҳнатдан қочмайди, балки бу ишларни ўзи учун шараф деб билади.

– Муҳиддинов домла ўзбек адабиёти тарихи бўйича етук мутахассис, Самарқанд адабиётшу-

нослик мактабининг фаол давомчиларидан бири, бу соҳада амалга оширилган ишлари билан илм аҳли назарига тушган етук навоийшунос олим, – дейди Самарқанд давлат университети ректори, профессор Рустам Холмуродов. – Биз, бутун университетимиз жамоаси бу инсон билан фахрланамиз. Домладаги ғайрат-шижоат, университетимиз учун жонқуярликни ёшларга ибрат қилиб кўрсатамиш. Муслиҳиддин ака фақат илмий-ижодий ишлар билан чекланиб қолмай, мамлакатимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан руҳланиб, унинг моҳияти ва аҳамиятини талабалар онгига синдиришда ҳам фаол жамоатчи ва фидойидир.

Домла ўз илмий тадқиқотларида комил инсон ғоясининг мумтоз адабиётдаги талқинларида катта эътибор берган. Бу олимнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари, “Талқинларда оламча маъно”, “Икки олам ёдуси”, “Алишер Навоий ва унинг саллафлари ижодида комил инсон талқини”, “Хамса”ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири”, “Комил инсон – адабиёт идеали”, “Нури қалблар гулшани” каби ўнлаб китоб ва рисола-лари, ўқув қўлланмаларининг ҳам бош мавзуси бўлган.

– Адабиётшунослик соҳасида мавзу билан тадқиқотчи руҳияти ўзаро қовушмаса, иш кўнглидагидек юришмайди, – деб ёзади таниқли адабиётшунос Султонмурод Олимов. – Муслиҳиддин Муҳиддиновда нақшбандия аср-асрлар кадрлаб, тарғибу ташвиқ қилиб келган эзгу ғояларга кучли садоқат бор. Дунёда яхши одамлар кўп. Аммо кўн-

Эртак халқ оғ‘зак ижодининг энг қадимий турларидан биридир. Унинг paydo bo‘lishida qadimiy urf-odat, marosimlar, tabiat hodisalari, jonivorlar muhim o‘rin tutgan. Ertak atamasi Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘otit turk» asarida uchraydi va biror voqeani og‘zaki hikoya qilish ma‘nosini bildiradi.

Эртак жанрини о‘қитишда INTERFAOL USLUBLAR

Эртакни маромига yetkazib aytish va shu orqali bolaning e‘tiborini jalb qilish ham aslida san‘at. O‘quvchilarga ertak janri- nini o‘qitishda interfaol uslublar- dan foydalanish yaxshi samara beradi. Xususan, “yaxshi-yomon” o‘yini bunga misol bo‘la ola- di. Ushbu usulda ertaklardagi ziddiyatlarni izlash orqali dialektik tafakkurni rivojlantirish maqsad qilinadi. Syujetlar bilan ishlash, turli ertaklarni tahlii qilish, tabi- atdagi o‘xshashliklarni bog‘lash

asosida o‘quvchilar o‘zlari kichik syujetlar tuzishni o‘rgana- di, bu ularda ijodkorlik ko‘nikmalarini hosil qiladi.

O‘ziga xos tarbiya vosita- si bo‘lgan ertaklar bolaning dunyoqarashini kengaytiradi, uning hayotga ongli munosaba- tini shakllantiradi, vatanparvarlik, ezgulikka muhabbat, yovuzlikka nafrat hislarini tarbiyalaydi.

Sanobar PO‘LATOVA, Ishitxon tumanidagi 2-IDUM o‘qituvchisi.



“Bolalik” xalqaro tanlov g‘olibi bo‘ldi

Viloyat “Barkamol avlod” bolalar maktabining tasviriy san‘at to‘garagi a‘zosi Dmitriy Karnauxov onlayn o‘tkazilgan “Sharq atirig‘uli” xalqaro festivalida birinchi o‘ringa sazovor bo‘ldi. U o‘z asariga “Bolalik” deb nom berib, maktabdan chiqib, o‘rindiqda kuchukchasi bilan suhbatlashayotgan jarayonni aks ettirdi. Albatta, bu holat har bir odamni bolalikning go‘zal xotiralarga oshno qilishi bilan ham e‘tirofli.

Gulzoda SUYAROVA.

Ким илм талабида бўлса, жаннат унинг талабида бўлади

“Зарафшон” газетасининг 2020 йил 10 декабрь 143-сонидан бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлган “Ожизлик нима?” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Муаллиф ўз мақоласида руҳан ожизлар, нотавонларнинг беш тоифасини таъкидлаган. Хусусан, учинчи тоифа аъзолари – ҳафсаласиз, эринчоқлар жамият учун бефойда ва хатарли гуруҳ ҳисобланади. Муқаддас Ислом динида илм олишга, билмаган нарсани сўраб ўрганишга катта эътибор берилган. Ҳадиси шарифларда ҳам илм олиш, сўраб-ўрганишнинг фазилатлари баён этилган. Жумладан, Ислом умматида бешикдан қадрга аилм излаш буюрилган. Регистон майдонидаги Тиллакори мадрасаси пештоқида “Ким илм талабида бўлса,



жаннат унинг талабида бўлади”, деб ёзилган. Юртдошимиз Имом Бухорий ҳазратлари таъкидлаганидек: “Бу фоний дунёда имлдан ўзга нажот йўқ ва бўлмаган”. Қуръони каримнинг Муҷодала сурасида “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва

илм ато этилган зотларни (баланд) даража мартабаларга кўтарур” ва Фотир сурасида “Аллоҳдан бандалари орасидаги уламо-ларига (олим ва билимдонлар) кўркўр”, дея қайд этилган.

Афсуски, жамиятимизнинг айрим аъзолари ҳафсаласизлик ва эринчоқлик сабаб ҳақиқий илм олишга интилмайдилар. Балки, кўр-кўрона, асоссиз бидъат таълим-мотта эргашмоқдалар. Араб алифбосида “сод” ҳарфи билан талаффуз этиладиган “таассуб” деган ибора мавжуд. Замо-навий лугатда ушбу сўз фанатизм дейилади. Ўйни, Қуръони карим ва ҳадиси шарифда, шунингдек, бошқа асосли диний манбалар-да таъкидланмаган нотўғри маълумотларга кўр-кўрона роя этиш ҳамда энг ачинарли-си, уни оммавий тарғиб этишидир. Ана шу бидъатдан тийилайлик.

Анвар ҒУЛОМОВ, Самарқанд шахри.

Телефон – хатарли овунчоқ(ми?)

Кўчада кўшни Қосим ака билан суҳбатлашиб тургандик. Маст кишидай гоҳ тўхтаб, гоҳ суриниб, чайқалиб келаётган 7–8-синфларда ўқийдиган ўқувчи кўринди.

– Тоби йўққа ўхшайди, кимнинг ўғли экан? – Қосим ака қошларини чимириб, унга тикилди. – Мен ҳам танимайроқ турибман, – дедим келаётган ўқувчи томонга қараб. Бироздан сўнг ўқувчи яқинлашиб ёнимиздан ўта бошлади. Ҳозир салом берса керак, деган хаёлда сергакландик. Аммо у бизни пайқамди ҳам, қўлида телефон, қўлоғида қўлоқчин.

Бутун дунёни унутиб, бор вужуди билан қўлидаги ма- тоҳга тикилган. – Бечора бола, бу аҳволда савдойи бўлиб қоладику, – деди Қосим ака ачиниби. – У мактабдан нимани ўрганиб қайтапти экан? Ўйланиб қолдим. Фарзан- даримиз айни ўқиб, таъ-



лим-тарбия оладиган пайтида ўқишдан совутиб, ҳаётига бефарқ, хаёлпараст қилиб, мавҳум оламга етаклаб кета- диган телефон уларга хозирча керакмикан? **Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

Қайдлар

Ҳаёти қил устида турган инсон қалбида ҳам ҳали умид яшаётганлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу умид туйғуси ҳаёт бўғзимиздан чиқиб кетгунича сақланиб туради.

Ҳаёсиз аёл – ифросиз гулдир.

Қалбан пок одамларгина уятчан бўлади.

Муҳтожликдаги аёлнинг суянчиги ҳаёдир.

Тангрининг мутлақ ғўзаллигини ҳис этмасдан яшаш – яшаш ҳисобланмайди.

Муродим УМРЗОҚОВ, шифокор.

Yaqinda maktabimizda boshlang‘ich sinf o‘qituvchilaridan diktant olindi. Yuqori sinf ona tili va adabiyot o‘qituvchisi diktant olish davomida bir necha bor qattiq “x” yumshoq “h” dedi. Slunday deydishi noto‘g‘ri. Bunga kim aybdor? Albatta, o‘zimiz. O‘quvchilar tilida sevimli so‘zga aylangan qattiq “x” yoki yumshoq “h”dan voz kechib, ularga x va h harfli so‘zlarning imlosini, bu tovushlarning talafuzini o‘rgatishimiz zarur.

YUMSHOQ “H”MI, QATTIQ “X”



Maktablarda, ayniqsa, boshlang‘ich ta‘lim o‘qituvchilarining kelajak avlod oldidagi burchi katta. Ular endigina maktab osonasiga qadam qo‘ygan o‘quvchining sifatli ta‘lim olishi uchun mas‘uldir. O‘quvchilar nutqida kamchilik, muammolar bo‘lmasi- gi o‘qituvchining ularga fonetika qoidalarini puxta o‘rgatishiga bog‘liq.

X harfi chuqur til orqa undoshi, h esa bo‘g‘iz undoshi ekanligini, ular boshqa-boshqa tovushni ifoda qilishini, aytilishi va yozilishi bir-biriga o‘xshamasligini, ularni chalkashtirish so‘z ma‘nosini butunlay o‘zgartirib yuborishini o‘quvchilarga tushuntirish, boshlang‘ich sinfda fonetika qoidalariga asosan undosh tovushlar guruhlariga bo‘linishini puxta o‘rgatish zarur.

Ular quyidagicha guruhlariga bo‘linadi. Chuqur til orqa (q, g‘, x), bo‘g‘iz (h), lab (b, p, m, v, f), til oldi (t, l, s, z, d, sh, ch, j, r), til o‘rta (y), til orqa (g, k, ng).

O‘quvchilar fikriga ko‘ra, o‘qituvchi hamma narsani biladi va hech qachon adashmaydi. Dars davomida o‘qituvchi ataylab qilinadigan xatolar tufayli muammoli vaziyatlar yaratib dars o‘tsa, kutilgan natijaga erishadi.

Umnat HAYDAROV, Bulung‘ur tumani 35-umumiy o‘rta ta‘lim maktabi boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi.

Footer containing contact information for Zarafshon newspaper, including phone numbers, addresses, and ISSN details.